

**МАКТАБ ТАЪЛИМИДА РА҆ҚОБАТ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ  
БҮЙИЧА КОРЕЯ ТАЖРИБАСИ**  
КОРЕЙСКИЙ ОПЫТ СОЗДАНИЯ КОНКУРЕНТНОЙ СРЕДЫ  
В ШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ

**KOREAN EXPERIENCE IN CREATING A COMPETITIVE  
ENVIRONMENT IN SCHOOL EDUCATION**

А.Авлоний номидаги педагогларнинг касбий ривожлантириш  
ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти  
*100095, Тошкент шаҳар, Зиё қўчаси 6-уй*  
э-mail: [avloniy@xtv.uz](mailto:avloniy@xtv.uz)

Doctor of Philosophy in law (PhD)

**Ботиров Ҳамид Ҳакимович**  
[hamidbotirov@inbox.ru](mailto:hamidbotirov@inbox.ru)

**Аннотация:** Кореяда мактабларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш мезонлари ва усуллари таҳлил қилинди, ўрганиш натижасисида айрим тажрибаларини миллий қонунчиликка қўллаш мумкинлиги юзасидан хулослар қилинди.

**Калит сўзлар:** рақобатбардошлик, баҳолаш мезонлари, усуллари, таълим тизими, ўқув жараёни.

**Аннотация:** Проанализированы критерии и методы оценки конкурентоспособности школ Кореи, в результате исследования сделаны выводы относительно возможности применения части опыта в национальном законодательстве.

**Ключевые слова:** конкурентоспособность, критерии оценки, методы, образовательная система, образовательный процесс.

**Abstract:** The criteria and methods for assessing the competitiveness of schools in Korea are analyzed, as a result of the study, conclusions are drawn regarding the possibility of applying part of the experience in national legislation.

**Key words:** competitiveness, evaluation criteria, methods, educational system, educational process.

Шарқ мамлакатларида ўзига хос анъаналар билан таълим сифатини таъминлашда янги усул ва воситаларни, инновацияларни қўллаш ва ривожлантириш борасида рақобат муҳити бир неча йиллардан буён шаклланган.

**Жанубий Кореяда** фақат бошланғич ва ўрта мактаблар (1-9-синфлар) мажбурий, лекин корейс мактаб ўқувчиларининг 98 фоиздан ортиги университетга кириш учун ўрта таълимни (12-синф) тугатишни афзал кўришади.

<b>№</b>	<b>Таълим даражаси</b>	<b>Синфлар</b>	<b>Ёши</b>
1.	Мактабгача таълим	0-6	1-7
2.	Бошланғич мактаб	1-6	7-13
3.	Ўрта мактаб	7-9	13-16
4.	Юқори ўрта мактаб	10-12	16-19

Мактаб ўқувчилари ҳар 10 йилда янгиланадиган давлат томонидан тасдиқланган ўқув дастури бўйича ўқийдилар. Бошланғич мактабнинг дастлабки икки йили корейс тили, математика, ахлоқ, жисмоний тарбия ва мактаб ўқувчиларининг ижтимоий ривожланишига ҳисса қўшадиган бир қатор маҳсус фанларни ўргатилади (Интизомли ҳаёт, оқилона ҳаёт, завқли ҳаёт). 3-синфдан бошлаб инглиз тили, ижтимоий тадқиқотлар, аниқ фанлар, мусиқа, санъат ва бошқа умумий таълим фанлари қўшилади, улар ўқиши давомида сақланиб қолади.

Жанубий Кореядаги ўрта мактаб қуйидаги таълим муассасаларида мавжуд:

умумтаълим мактаблари (умумий академик мактаблар), университетга киришга тайёргарлик қўриш учун умумий академик таълимни амалга ошириш;

маҳсус мактаблар, университетнинг келажақдаги йўналишига мос келадиган ҳар қандай билим соҳасини (хорижий тиллар, аниқ фанлар ва бошқалар) чукур ўрганишга йўналтирилган;

ихтисослаштирилган мактаблар касб-хунар таълимига йўналтирилган.

Кореядаги мактаблар ҳақли равишда дунёдаги энг обрўли ўрта таълим муассасалари қаторига киради. Жанубий Корея аҳолисининг ўқиши саводхонлиги, табиатшунослик ва математика билимлари бўйича ҳар йили ОЕСД ташкилоти томонидан тадқиқот ўтказилади[1.].

Мамлакат ҳукумати таълим тизимининг мониторингини қатъий назорат қиласиди. Ҳар йили ўқув йили охирида Кореядаги энг яхши мактаблар рейтингини тузади. Иккита асосий индикатор асос қилиб олинади - олий ўқув юртларига муваффақиятли кирганларнинг фоизи ва тест натижаларига кўра билимларни ўзлаштириш даражасига қараб белгиланади. Мактабларнинг сўнгги янгиланган рейтинглари қуйидагича:

Чонгшим халқаро хусусий ўрта мактаби, Гапеонг вилояти (<http://www.csia.hs.kr/>) - унинг битирувчилари 100% керакли университетларга ўқишига кирган;

Даевон Интернатионал хусусий ўрта мактаби, Сеул (<http://www.daewon.ms.kr/>) - ўқитувчилар таркибининг муаллифлик ишланмаларидан фойдаланадиган илфор таълим муассасаси, битирувчиларнинг 98,4% олий ўқув юртларига ўқишига кирган.

Пусан шахридаги Пениел халқаро санъат мактаби (<http://peniel.ms.kr/>) – Жанубий Корея таълим тизимида алоҳида ўрин тутади. Эстетик тарбия ва ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини очишга қаратилган дунёдаги энг яхши ўрта таълим муассасаларидан бири сифатида тан олинган. Битирувчиларнинг 96,4% олий ўқув юртларида ижодий мутахассисликлар бўйича ўқишини давом эттирадилар.

Сеулдаги Ёнгхюон халқаро хусусий ўрта мактаби (<http://www.younghoon.ms.kr/>) анъанавий таълим муассасаси бўлиб, 98,1 ўқувчининг ўзлаштириши юқори натижани кўрсатган.

Жанубий Кореядаги академик баҳо мактаб турига боғлиқ. Жанубий Кореядаги университетлар баллга мос келадиган ҳарф баҳоларидан фойдаланадилар. Ушбу баҳолаш тизими АҚШ мактабларига жуда ўхшайди. Баҳолар ҳар хил ракамланган ўртacha 0-5гача кўрсатади. Ўрта мактабда синфлар корейс тилидаги белгиларга асосланади, масалан, “энг зўр” “ажойиб” ёки “яхшилаш керак” деган маъноларни англатади. Ўрта мактабларда беш балллик баҳолаш тизими қўлланилади.

Ўқувчининг синфдаги нисбий сонига қараб даражаларга ажратилади. Академик баҳолар маълум бир ўқув йилида ёки бутун ўқув дастури давомида ўрганган мавзуларнинг ўлчовидир. Тўпланган баллар (баҳо) кейинги таълим даражасига кириш ва амалиёт ёки иш жойларига ариза бериш учун асос бўлади.

Жанубий Кореяда ўрта мактаблардаги олинган баллар учун ўқувчилар рақобатлашишади ва юқори натижаларга эга бўлган ўқувчиларга университетга кириши учун имтиёзлар берилади. Жанубий Кореяда ўқувчиларнинг оралиқ ва якуний босқичларда тўплаган 100 баллидан келиб чиқиб, “Э” баҳоси ўтиш баҳоси ҳисобланади. Ўрта мактаб ўқувчилари баҳоси учун сертификат қўйидаги даражаларга қараб берилади:

- А даражаси: 91-100 фоиз;
- Б даражаси: 81-90 фоиз;
- С даражаси: 71-80 фоиз;
- Д даражаси: 61-70 фоиз;
- Э даражаси: 60 фоиздан паст[2].

Хулоса қилиб айтиш керакки, Жанубий Кореяда мактабларида рақобат муносабатлари асосан ўқувчиларнинг ўқув натижаларига мувофиқ шаклланган бўлиб, улар рақобатдаги асосий мақсадларини ўқувчилар билимини баҳолаш тизими ҳамда таълимни кейинги босқичлари, яъни уларнинг олий таълимда таҳсил олишлари билан белгилашган.

Хулоса қилиш мумкинки, шарқ давлатлари мактаб таълимидаги рақобатнинг ўзига хослиги, асосан ўқувчиларни баҳолаш тизимига қўпроқ урғу берилган бўлиб, ўқувчиларни ўқишига бўлган мотивациясини оширишга хизмат

қиласи. Шу билан бирга ўқувчиларни жамоавий бўлиб рақобат қилишга кўпроқ ундаиди. Хорижий тажрибалардан мактаб таълимида рақобат муҳитини яратишда фойланишга хизмат қиласи.

**Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар**

1. <https://vseobr.com/detskoe-obrazovanie/shkolnoe-obrazovanie-v-koree/>
2. <https://www.southkoreaeducation.info/education-system/academic-grading-system-in-south-korea.html>